

I

Март ойининг йигирма бешинчи куни фавкулудда гаройиб ходиса рўй берди. Вознесенск кўчасида яшовчи сартарош Иван Яковлевич (унинг фамилиясини бирор кимса билмасди, хатто сартарошхона эшигидаги юзига совун кўпиги суртилган жаноб тасвири туширилган хамда “харом кондан халос этади” деган ёзув битилган тахта лавхада хам ҳеч вако кўрсатилмаган эди) одатдагидан барвактрок уйгондию димогига иссик нон хиди урилди. Каравотидан сал кад ростлаб, рафикаси – ўзига етгунча кайвони, яна денг роса кофийхўр хоним кип-кизил сўлкиллама нонларни печдан узаётганини кўрди.

– Прасковья Осиповна, мен бугун кофий ичмайман, – деди Иван Яковлевич, – унинг ўрнига иссик нонга пиёз кўшиб егим келяпти.

(Иван Яковлевич унисига хам, бунисига хам йўк демасди-я, аммо бирваракай хар иккаласини сўрамок одобдан эмаслигини, зеро, Прасковья Осиповнанинг бунака хурмача киликларга асло токати йўклигини яхши биларди.) “Майли, бу ахмок нон еб кўяколсин, – деб ўйлади хотини, – ўзимга яхши – бир финжон кофий ёнга қолади”. У столга битта нон ташлаб кетди.

Иван Яковлевич, азбаройи сипогарчилик, кўйлак устидан фрак кийди, сўнг стол қошига келиб ўтирди-да, икки бош пиёзни арчиб туз сепди ва хафсала билан нон кесишга киришди. Уни иккига бўларкан, ўртасида бир нима оқариб турганини кўриб хайрон бўлди. Пичок билан секин кавлади, бармок учини теккизди. “Каттиккина! – деди ўзича. – Нима бўлса экан-а бу?”

Кейин бармогини тикиб тортиб олди – бурун экан!.. Иван Яковлевич кўзларини ишкалаб, сер солиб каради: бурун, буруннинг ўзгинаси! Боз устига, кайсидир танишининг бурни. Иван Яковлевичнинг юзини дахшат аломати қолади. Аммо бу дахшат хотини кўтарган ваҳима олдида ҳеч гап бўлмади.

– Бурунни кай гўрдан кесиб олдинг, вахший?! – деб кичкирди у жахлдан кўкариб. – Ярамас! Пиёниста! Сени ўзим полицияга топшираман. Кирчанги хўкиз! Эшитдим, бир эмас, уч киши айтди менга, соқолини олаётганингда бурнидан чангаллаб торткилашингга мижозларинг аранг чидар экан.

Бирок Иван Яковлевич серрайиб колган эди. У билди, бу – хар чоршанба ва якшанба кунлари сокол олдирадиган коллеж ассессори Ковалёвнинг бурни.

– Сабр кил, Прасковья Осиповна! Буни латтага ўраб бир чеккага кўйиб кўяй, шу ерда туратурсин, кейин олиб кетаман.

– Бўлмагур гапни йигиштир! Бир камим уйда кесилган бурунни саклаш эди ўзи!

Килтирик, кашкатарок! Каранг-а, бу кишим устарани кайишга ишкашни билади, холос, якин орада шуни хам эплаёлмай қолади ярамас, гўрсўхта! Сени деб полицияма-полиция чопайми энди? Вой искирт, ислики-ей! Йўкот буни! Даф кил! Каёкка бўлса хам олиб кет! Кўзимдан йўкот!

Иван Яковлевич бир ахволда каккайиб турди-турди, ўйлай-ўйлай боши шишди.

– Жин урсин, бу канакаси? – деди ниҳоят кулоги оркасини кашиб. – Кечаси маст бўлиб келганмидим ёки аклу хушим жойидамиди, ўзим хам билмайман. Хечам аклга сигмайдим: ахир нон деганлари печда пишса, бурун унинг ичида... Бошим котиб колди!..

Иван Яковлевичнинг бирдан дами ичига тушиб кетди. Полиция бурунни кидириб топиб,

уни айбдор килишини ўйлаб ақлдан озаёзди. Халитдан кўзига заррин хошиядор кизил ёқа, шпага... кўриниб, бутун вужудини титрок босди... Нихоят, алмисокдан колган кўйлаги ва этигини сандикдан олди, шу увадаларни эгнига илиб, Прасковья Осиповнанинг аёвсиз каргишлари остида бурунни латтага ўраб, кўчага чикди.

Бу дардисарни у бирон ерга даф килишни ўйларди: ё дарвоза ортидаги темир устунча орасига тикиб юборади, ёхуд, билмаган киши бўлиб, у ер-бу ерга тушириб кўяди-да, ўзи дуч келган кўчага кириб кетади. Бахтга карши, рўпарасидан таниш-билишлари чикиб колар ва “Йўл бўлсин!” ёки “Тонг сахарлаб кимнинг соколини киртишлагани шайланиб колдинг?” дея саволга тутар эди – шу асно Иван Яковлевич кулай фурсат топа олмади. Бир вақт бурунни тушириб кўйган киши бўлиб кетаётган эди, будкада ўтирган коровул узокдан ойболтасини ўқталганча, “Бир нимангни тушириб кўйдинг! Кани, ол-чи!” деб бакириб колди. Иван Яковлевич бурунни олиб чўнтагига тикишга мажбур бўлди. Бирдан умидсизликка тушди, боз устига, дўкону расталар очилаётган махал эмасми, кўча борган сари гавжумлашмоқда эди.

У Исакиевск кўпригига боришга қарор килди: балки бу савил колгурни Невага улоктириб юборар?.. Аммо мен сал-пал хурматга сазовор жихатлари ҳам бўлган Иван Яковлевич хақида ханузгача бирон бир тайинли гап айтмаганим учун олдингизда андак айбдорман, мухтарам китобхон.

Хар қандай рус хунармандига ўхшаб Иван Яковлевич ҳам гирт пиёниста эди. Худонинг берган куни мижозлари соколини киртишласа-да, ўзининг соколи умри бино бўлиб устара кўрмасди. Сира эгнидан тушмайдиган фраки (у ҳеч қачон сюртук киймасди) эса олачипор тусдами-ей: яъни, аслида кора бўлиб, ҳаммаёгини жигарранг-сарик ва кулранг дог-дуг босган, ёқасининг ҳам ягири чикиб ялтираб кетган, учта тугма ўрнида факат ипи осилиб турар эди. У ўтакетган сурбет бўлиб, коллеж асессори¹ Ковалёв хар сокол олдираётганида “Иван Яковлевич, қачон карама, кўлларинг сасийди-я!” деса, сартарош унинг ўзига “Нимадан сасиркан-а?” дея савол котарди. “Билмадим, отагинам, шу – сасигани сасиган-да”, дерди коллеж асессори. Иван Яковлевич эса тамакисини бир хидлаб оларди-да, бу гапи учун унинг ияқларию бурни ости, кулоклари ортию томокларига – бир сўз билан айтганда, каерига суртгиси келса, аямай совун кўпигини чаплаб ташларди.

Ана шу мухтарам фуқаро Исакиевск кўпригига етиб келди. Теварак-атрофга аланг-жаланг бокиб, кейин кўприк остига карамокчи бўлган киши мисол тўсик устига энгашди, гўё балиқлар гужгон ўйнаб юрганмикан дея кузатаётгандек турди-турди-да, латтага ўралган бурунни астагина сувга отиб юборди. Бирдан елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тортиди-колди. Ўзича жилмайиб ҳам кўйди. Чиновникларнинг соч-соколини олгани бориш ўрнига, каншарига “Егулик ва чой” деб ёзиб кўйилган емакхонага кириб бир стакан пунш² ичаман, дея чоғланган ҳам эдики, бирдан кўприк адогида ўзи томон тикилиб турган серсалобат, эндор чаккасоколли, учбурчак шляпа кийган, шпага таккан квартал нозирига кўзи тушди. Сартарош жойидан кимирлаёлмай колди, нозир эса бармоги билан имлаб уни чакирмоқда эди:

– Кани, бу ёкка кел-чи, азизим!

Иван Яковлевич мулозамат йўригини билгани учун узокданок бош кийимини ечиб кулдук килди-да, зипиллаб унинг олдига борди.

– Олийхиммат жаноблари, саломат бўлгайлар! – деди ялтокланиб.

– Э-э, биродар, олийхимматинг нимаси?! Хўш, кўприк устида нима килиб турган эдинг?

– Худо ҳақки, жаноб, сокол олгани кетаётиб ўзим шунчаки, дарё тез оқяптимикан деб

бир карадим-да.

– Кўй ёлгонингни! Шу билан кутулиб кетаман деб ўйлама! Тўгрисини айт!

– Мен, олийхиммат жаноблари, хафтада икки марта ёки хатто уч марта бепул сокол оламан, – деди Иван Яковлевич.

– Бэ-э, шуям гап бўптими, огайни?! Билсанг, менинг соколимни учта сартарош олади, улар тагин буни ўзи учун шараф деб билади! Кани, энди гапир-чи, кўприк устида нима килиб турган эдинг?

Иван Яковлевичнинг ранги окариб кетди... Аммо шу ўринда мазкур воқеани буткул туман чулгайди ва ундан сўнг нима бўлгани хусусида мутлако ҳеч нарса маълум эмас.

II

Коллеж ассессори Ковалёв анча барвақт уйгонди ва лаблари орасидан “брр...” деган овоз чикарди – уйгонганида у доим шундай килади-ю, бунинг сабабини ўзи ҳам билмайди. Ковалёв бир керишиб олди-да, хизматкорига стол устида турган чоғрок тошойнани олиб келишни буюрди. У кеча бурнида пайдо бўлган гўддага бир кўз ташлаб кўймокчи эди; бироқ – афсус-надоматлар бўлсинким, бурни ўрни теп-текис, ҳеч вако йўк! Юрак-пураги чикиб кетган Ковалёв “Сув бер!” деб бакирди. Кўзларини сочик билан арта-арта яна ойнага каради: ха, бурни йўк! Туш кўраётгандирман деб у ёк-бу ёғини чимчилаб кўрди, ухлаётгани йўк шекилли. У каравотидан сапчиб туриб, бир силкиниб кўйди: йўк, бурни йўк!.. Дархол кўчалик либосларини сўради ва кийинибок тўппа-тўгри обер-полицмейстер хузурига равона бўлди.

Дарвоқе, шу ўринда китобхон Ковалёв коллеж ассессорларининг кандайин турига мансуб эканини тасаввур қилмоғи учун у ҳақда бир-икки огиз гапириб беришга тўғри келади. Бундай унвонга илмий аттестат ёрдамида эришган коллеж ассессорларини Кавказда шу унвонга сазовор бўлган коллеж ассессорлари билан сираям тенглаштириб бўлмайди. Чунки булар мутлако алохида-алохида тур хисобланади. Ўқимишли коллеж ассессорлари... Бироқ Россия шундайин гаройиб ўлкаки, агар биронта коллеж ассессори хақида бир огиз сўз айтсангиз, бас, Ригадан Камчаткагача бўлган ҳамма худудларнинг коллеж ассессорлари буни албатта ўзи ҳақда деб ўйлайди. Кошки барча унвону мансабларни назарда тутиб бўлса! Ковалёв кавказлик коллеж ассессори эди. Бу унвонга эришганига бор-йўғи икки йил бўлган, шу боис буни бир лахзаям хаёлидан чиқармайди; ўзини олижаноб ва салобатли кўрсатмок учун эса коллеж ассессори эмас, ҳаммага майор деб таништирарди. “Кулок сол, азизам, – дея гап бошларди у одатда кўча-кўйда манишка3 сотиб юрган хотинни учратиб колса, – сен, яхшиси, уйимга кел, квартирам Садовая кўчасида, майор Ковалёв каерда туради деб сўрасанг, дуч келган одам кўрсатиб кўяди”. Бордию аёл ёкимтойрок бўлса, унга махфий топширик ҳам берарди-да, “Жонгинам, сен майор Ковалёвнинг квартирасини сўра”, дер эди. Биз ҳам бундан кейин бу коллеж ассессорини майор деб атаймиз.

Майор Ковалёвнинг хар куни Нева проспектида сайр қилиш одати бор эди. Унинг манишкаси ёқаси доимо топ-тоза ва охорланган бўларди. Бакенбарди эса, ҳозир ҳам губерния ва уезд танобчилари, меъморлар ва полк докторлари, шунингдек, полиция хизматчилари, кўйингки, гўштдор ёноклари кип-кизил, бостон4 ўйинини котириб ўйнайдиган ҳамма эркақлар кўйиб юрадиган кўринишда эди. Бундай чаккасокол ёнокларнинг кок ўртасидан чўзилиб бориб тўппа-тўгри бурунга такалади. Майор Ковалёв кимматбаҳо тошдан ясалган турли-туман тамғали мухрларни ёнида олиб юрар,

улар орасида хатто “душанба”, “чоршанба”, “жума” ва бошка сўзлар ўйиб ёзилганлари хам бор эди. У Петербургга фаолият юзасидан, аниқрок килиб айтганда, унвонига яраша дурустрок мансаб эгаллаш илинжида келган: иложи топилса, вице-губернаторликка ўтсам, йўкса, бирор каттарок департаментга экзекутор бўлиб жойлашиб олсам, деб мўлжалларди. Майоримизнинг уйланиш нияти хам йўқ эмас, агар бисоти икки юз минг акчалик кайлик учраб колгудек бўлса, кўзини чирт юмиб уйланиб юбориши турган гап. Ана энди, туппа-тузук, ўртамиёна бурни ўрнида майор ўта бемаъни, сип-силлигу теп-текис жойни кўриб қай ахволга тушганини китобхоннинг ўзи фараз килаверсин.

Бахтга қарши, кўчада биронта извош кўринмасди. Майор плашига ўраниб, гўё бурнидан қон кетаётгандек тус бермок учун юзини дастрўмоли билан бекитиб яёв кетишга мажбур бўлди. “Хойнахой менга шундай туюлгандир, хе йўқ-бе йўқ, бурним гойиб бўлиб қолиши мумкин эмас-ку?!” деб ўйлади у ва яна ойнага қараш илинжида қандолат дўконига кирди. Яхшиямки, дўкон бўм-бўш экан; фақат югурдак болалар хоналарни супуриб-сидириб, курсиларни жой-жойига қўймоқда, баъзилари уйкусираганча патнисда қайнок гўмма олиб чиқаётир; стол-стуллар устида кофий тўкилган кечаги газеталар қалашиб ётибди. “Хайрият, ҳеч зог йўқ, – деди у ўзига ўзи, – бемалол ойнага қараб олсам бўлади”. Юраги бетламайгина ойнага яқинлашди ва тикилиб қаради. “Жин урсин, бу нима кўргилик! – деди тупуриб. – Бурун ўрнида бир нима қандайдир турса хам гўрга эди, ҳеч вако йўг-а!..”

У аламдан лабини тишлаб дўкондан чиқди ва доимий одатига хилоф равишда ҳеч қимга қарамай, ҳеч қимга жилмайиб бокмай тез-тез кета бошлади. Аммо тўсатдан бир уй олдида қоккан қозикдек тўхтади-қолди – кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа бўлган эди: йўлак остонасига қарета келиб тўхтадию ундан мундирли бир жаноб сакраб тушди-да, энгашганча зинадан қаккон-қаккон чиқиб кетди. Бу ўзининг бурни эканини кўрган Ковалёв қандай дахшату хайратга тушганини таърифлашга тил ожиз! Унинг кўз ўнгиде хаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди, у аранг оёқда турарди, бироқ талвасада титраганча қандай бўлмасин ўша жанобни қутмоққа қарор қилди. Чиндан хам икки дақиқа ўтар-ўтмас бурун қайтиб чиқди. Каттақон тик ёқали, заррин хошиядор мундир ва такаки чарм панталон кийиб олган, шпагаси хам бор. Уқпарли шляпасига қараб, қаида статский советник бўлса қерак, дея хулоса қилиш мумкин. Туришидан қимниқадир ташриф буюриш ниятида. У ён-верига назар ташлаб олди-да, аравақашга “Қани, қетдик!” дея бақирди ва қаретага ўтирдию жўнаворди.

Бечора Ковалёв қандан озишига бир баҳя қолди. У хозиргина ўзи гувоҳ бўлган воқеадан хангу манг: ё тавба-а, қандай қилиб қерагина унинг юзида турган бурун бугун оёқ чиқариб, мундир қийиб бемалол кўчада юради?! Майор қаретанинг қетидан қопди, хайриятки, у узокка бормай Қозон қерқови олдида тўхтади. Ковалёв хам шоша-пиша ўша томон югурди, кўз ўрнида иқкита тешиқча очиб қўйилгану бети-бошини қирмаб олган тиланчи қампирлар орасидан ўтиб қерқовга кирди. Ибодатчилар сийрақок – улар фақат эшиқ олдида уймалашиб турарди. Ковалёв айни тобда ибодат қиладиган ахволда эмас, аланглаб хар бурчакдан бояғи мундирли жанобни изларди. Нихоят, уни топди. Бурун бир қекқада, афтини қаттақон тик ёқаси билан бекитганча ўтакетган такводорлардек берилиб ибодат қилмоқда эди.

“Унинг олдида қандай бораман-а? – деб ўйлади Ковалёв. – Савлат-салобати, мундирию шляпасидан статский советник экани кўриниб турибди. Жин урсин, қандок қилдим энди!”

Якинрогига бориб устма-уст йўталди; лекин бурун сира ибодатдан чалгимай, кайта-кайта таъзимга эгилар эди.

– Олийхиммат жанобим... – деди Ковалёв ўзини дадил тутишга уриниб, – олийхиммат жанобим...

– Нима дейсиз? – деди бурун унга ўгирилиб.

– Мен таажжубдаман, олийхиммат жанобим... Менимча... сиз ўз ўрнингизни билмогингиз керак. Ахийри сизни топдим-а, яна каердан денг? Черковдан! Шуни тан олгайсизким...

– Маъзур тутасиз, фахмим етмайрок турибди, нима демокчисиз ўзи... дурустрок тушунтирсангиз-чи.

“Кандай тушунтирсам бўларкан бунга?” деб ўйлади Ковалёв ва ўзини кўлга олиб, гап бошлади:

– Мен, албатта... Ха, айтгандек, мен майорман. Ўзингиздан колар гап йўк, мендек одамнинг бурунсиз юришим уятдир ахир. Воскресенск кўпригида арчилган апельсин сотиб ўтирадиган жулдурвоки хотиннинг бурни бўлмаса ҳеч бокиси йўқдир, бироқ мен... нуфузли лавозимга муяссар бўлишим назарда тутилса... бунинг устига, кўпгина эътиборли хонимлар, дейлик, статский советник Чехтарёва ва бошқалар билан танишман... Танангизга бир ўйлаб кўрсангиз... Нима дейишгайм хайронман, олийхиммат жаноблари... (Шу ерга келганда у елкасини кисиб кўйди.) Маъзур тутгайсиз... агар бунга бурч ва номус талаби деб караладиган бўлса... ўзингиз тушунсангиз керак...

– Мутлако ҳеч нимани тушунмаяпман, – деди бурун. – Очикрок гапиринг.

– Олийхиммат жанобим, – деди Ковалёв ич-этини егудек бўлиб. – Таажжубдаман, тушунмайдиган гапнинг ўзи йўк-ку... Ёки сиз... Ахир – сиз менинг бурнимсиз!

Бурун майорга тик каради, унинг кошлари чимирилиб кетди.

– Янглишасиз, мухтарам жаноб. Мен, бу – менман. Боз устига, бизнинг ўртамизда ҳеч қандай якинлик бўлмоги мумкин эмас. Вицмундирингиз⁷ тугмаларига караганда, сиз бошка бир махкамада хизмат киласиз чоги.

Бурун шундай дедию ўгирилиб ибодатини давом эттираверди.

Ковалёв нима килишни, нима дейишни билолмай эсанкираб колди. Шу пайт заифона либосларнинг ёкимли шитир-шитири эшитилди, бошдан-оёк тўрсимон матога бурканган кекса бир хоним билан ок кўйлаги хушбичим коматига чиппа ёпишган, бошига саргиш шляпа кўндирган нозикнихол, укпардек енгил, болдек ширин киз пайдо бўлди. Уларнинг ортидан чаккасоколи эндор, кат-кат ёкали новча малайи ҳам кириб, тамакидонини очди. Ковалёв уларга якинрок бориб, манишқасининг батис ёкаларини чиқариб кўйди, тилла занжирга осиглик мухрларини тузатиб-тўгрилаган бўлди, сўнг ёнверидидагиларга жилмайиб каради-да, нозик бармокчаларини пешонасига теккизганча салгина эгилиб турган кўклам чечагидек нозикнихол хонимга тикилиб колди. Кизнинг шляпа остидан хиёл кўзга чалинаётган оппок ияги ва кўклам атиргули мисол нимпушти ёнокларини кўрган Ковалёвнинг башараси табассумдан баттар ёйилди. Аммо бирдан устига кайнок сув куйилгандек бўлди. Бурни йўклиги эсига тушиб, кўзидан ёш чикиб кетди. Шунда у мундирли жанобга: ўзингизни статский советник килиб кўрсатишга уринаётирсиз, аслида эса лўттибоз бир аблахсиз, менинг бурнимсиз, холос, бошка ҳеч бало эмассиз, деб дангал айтмоқка чоғланган эди, аммо бурун аллақачон жуфтакни ростлаб колибди. Хойнахой яна кимникигадир ташриф буюришни кўзлаб жўнаворган бўлса керак. Ковалёв баттар рухи тушиб, келган йўлидан изига кайтаркан, бурун у ер-бу ерда кўриниб колмасмикан, деган илинжда теварак-атрофга синчков аланлаганча

колоннадалар8 остида бир фурсат тўхтаб колди. Шляпаси укпарли, мундири эса заррин хошиядор эди – буниси-ку шундоқкина кўз ўнгида, аммо шинелини, каретасининг тусию унга кўшилган отларни, хаттоки карета ортида малайи борми, бўлса у қандай ливреяда9 эди, афсуски эслаб колмаган экан-да. Боз устига, у ёқдан-бу ёқка гиз-гиз катнаётган карета шу қадар кўп эдики, кидираётган кишингизни илгаб олиш осон эмасди; илгаб колганингизда ҳам уни тўхтатолмасдингиз. Ажойиб, куёш чараклаб турган кун эди. Нева проспекти ниҳоятда гавжум, хонимлар анвойи гуллар шаршараси мисол Полицейскдан то Аничкин кўпригигача бутун йўлкаларни тўлдириб юборган. Ана, унинг таниши – ўзгалар олдида у атайин подполковник деб атайдиган надворный советник10 келаётир. Хув анависи эса – сенатда бўлим бошлиги, бостон ўйинида саккизликка ўйнаганда доим ошиги олчи турадиган якин дўсти Яригин. Ана, Кавказда ассессор унвонига сазовор бўлган бошка бир майор кўл тўлгаб уни чорламоқда...

– Хе, жин урсин хаммангни! – деди Ковалёв. – Хой извошчи, мени хозирок оберполицмейстер хузурига олиб бор!

Ковалёв усти очик енгил аравага ўтирдию бора-боргунча извошчига “Кани, аравангни елдек учир, учиравер!” дея бакириб кетди.

– Обер-полицмейстер шу ердами? – деб кичкирди у дахлизга кирар-кирмас.

– Йўк эди-я, – деди дарбон, – хозиргина жўнаб кетувди.

– Ана холос!

– Ха-я, – деди дарбон, – кетганига ҳеч қанча бўлгани йўк, бирон дақика олдинрок келганингизда уни учратган бўлардингиз.

Ковалёв дастрўмоли билан юзини бекитган кўйи аравага ўтирди-да, умидсиз бир охангда кичкирди:

– Хайда!

– Каёқка?

– Тўгрига хайда!

– Тўгрига? Ахир у ёғи муюлиш-ку, ўннга бурайми, чапгами?

Бу савол Ковалёвни ногох сергаклантирди ва яна ўйлаб кўришга ундади. Унинг ахволига тушган одам аввало Ахлоқ бошқармасига11 мурожаат қилиши лозим – бошқарма тўғридан-тўғри полицияга алоқадор бўлгани учун эмас, бошқалардан кўра буйруқлари тезрок бажарилиши учун. Бурун хизмат қиламан деб айтган махкама бошлиқларидан нажот кутиш-ку ақлсизлик бўлур эди, чунки буруннинг гап-сўзюю ўзини тутишиданок маълум – унга муқаддас нарсанинг ўзи йўк. Мана, Ковалёв билан ҳеч қачон учрашмаганман деб имонини ютиб турибдики, яна шунга ўхшаш ёлгон тўқиб сувдан курук чикмайди деб қим айта олади?! Алқисса, Ковалёв извошчига, Ахлоқ бошқармасига хайда, деб буюрмоқчи бўлиб турганида бирдан хаёлига илк учрашувнинг ўзидаёқ юзсизлик қилган бу найрангбоз ва қаллоб қулай фурсатдан фойдаланиб, устмонлик билан шаҳардан қочиб қолса-я, деган ўй келди – ана унда қанча кидирманг бефойда, ёйинки кидириш ишлари, худо кўрсатмасин, бирор ойга чўзилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ниҳоят, Эгамнинг ўзи унга йўл кўрсатди чоғи, у буруннинг барча белги-сифатларини батафсил таърифлаб эълон бериш учун газета экспедициясига мурожаат қилиш керак деган қарорга келди. Ана шунда кўрган-билган одам уни ўша захотиёқ тутиб беради ёхуд, жуда бўлмаганда, яшаш жойини маълум қилади. Хуллас, шу тўхтамага келиб, извошчига газета экспедициясига хайда, деди ва йўл бўйи “Бўл, аблах! Тезрок хайда, муттахам!” деб унинг бикинига муштлаб борди. “Эх, тўрам!” дея извошчи ҳам бош чайкаганча болонка итларникидек узун ёлли отининг жиловига махкам ёпишиб,

унга устма-уст камчи босаверди. Арава манзилга етиб тўхтади, Ковалёв халлослаганча чоғрок кабулхонага бостириб кирди, стол қошида эски фрак кийган, кўзойнакли кекса чиновник каламини лабига кистириб, чака-чука санаб ўтирган экан.

– Эълонни ким кабул килади? – деб шангиллади Ковалёв. – Э, салом!

– Салом, – дея чиновник унга бир назар ташладию яна олдида уюлиб ётган пулини санайверди.

– Мен эълон бермокчийдим...

– Мумкин бўлса, бир оз сабр килиб турсангиз, – деди чиновник ва ўнг кўли билан коғозга аллакандай ракамни ёзиб, чап кўли билан чўтга икки сокка ташлади.

Укали кўйлак кийган кайсидир оксуяк хонадон малайи кўлида хат билан стол олдида турар ва ўзининг киришимли эканини намойиш этмокка хўб уринар эди:

– Биласизми, жаноб, кучукча аслида тўрт тангага арзимаиди, мен уни сарик чакага хам олмаган бўлардим, графинья эса уни нак кўйнидаги боласидек кўради – буни карангки, топиб берган одамга 100 рубль ваъда килинган! Сирасини айтганда, мана шунака – одамларнинг диди хечам бир-бирига сигишмас экан; айтайлик, зўр овчимисан – исковуч итинг ёки пуделинг бўлсин, ана унда беш юзни, мингниям аяма, чунки итинг шунга арзийди-да!

Чиновник малайнинг сафсатасини гўё диккат билан тинглаётир ва айна чокда ўзининг хисоб-китоби билан хам машгул: кўлидаги хатда канча харф борлигини санамокда.

Эълон кўтариб келган кампирлар, савдогару фаррошлар атрофини ўраб олган.

Эълонларнинг мазмуни хам турфа хил: ичкиликка ружу кўймаган аравакаш хизматга ёлланмокчи; обдон кир ювиш машини олган, хар кандай юмушни бажариб

кетаверадиган ўн тўккиз яшар чўри киз хизматга кирмокчи; 1814 йили Париждан келтирилган, унча кўп ишлатилмаган болалар аравачаси, битта рессори йўк усти очик

енгил извош, ўн етти яшар бўзранг, гижинглаган чавкар тулпор, турп ва редисканинг Лондондан олиб келинган янги нав уруги, икки бўлмали отхона хамда ажойиб кайину

карагайзор бог килса арзигулик ер-сувли дала ховлининг сотилиши; эски тагчарм олмокчи бўлганларни хар куни соат саккиздан эрталабки учга қадар чайков бозорига

таклиф килувчи чакирик дейсизми – хамма-хаммасидан бор. Ана шундай олакурок тўда тўпланган хона чоккина бўлиб, хавоси ниҳоятда огир – бадбўй эди; бироқ коллеж

асессори Ковалёв хид сезмасди, негаки, дастрўмоли билан юзини бекитиб олган, бурни шу тобда каерларда изгиб юргани эса ёлгиз худога аён.

– Ижозатингиз билан сиздан бир нарсани сўрасам, мухтарам жаноб. Мен жудаям... – деб сўз бошлади у бир махал бесабрлик билан.

– Хозир, хозир! Икки сўму кирк уч тийин. Бир дакика! Бир сўму олтмиш тўрт тийин, – дерди чиновник кампирлару фаррошлар кўлидаги хатларга паришонхол кўз ташлаб. – Хўш, кулогим сизда? – деди у ниҳоят Ковалёвга юзланиб.

– Илтимосим шуки... – деди Ковалёв, – биласизми, мен халиям тагига етолмаяпман, фирибгарликми-ей, найрангбозликми-ей содир бўлди-да. Сиздан илтимос, ўша аблахни

тутиб берган киши мўмайгина мукофот олиши хақида газетангизда эълон босиб чикарсангиз.

– Хўш, фамилиянгизни билсак бўладими?

– Фамилиямни нима киласиз? Йўк, айтолмайман. Таниш-билишларим жуда кўп: статский советник Чехтарёва, штаб-офицер Пелагея Григорьевна... Худо асрасин, таниб

қолишса-я! Сиз шунчаки, коллеж асессори ёки яхшиси, майор мансабига эга бир жаноб деб ёзиб кўяколинг.

- Кочиб юрган одам – каролингизми?
– Карол дейсизми? Каролим кочса майли эди-я, фирибгарликка кирмасди бу! Кочиб кетган – бурним...
- Хм! Галати фамилия экан-а! Хўш, ўша Бурунов катта маблагингизни ўмариб кетдими?
– Бурун деганда... сиз бошкacha тушундингиз! Бурним, менинг бурним каёккадир гойиб бўлди. Худо ураман деса шу-да!
– Кандай килиб гойиб бўлади? Хеч нимани тушунолмаяман.
– Кандай гойиб бўлиб колганини ўзим хам билмайман, аммо у хозир шахар кезиб юрибди, ўзини статский советник деб таништиради хаммага. Шунинг учун уни кўлга туширган киши зудлик билан менга топшириши лозимлиги тўгрисида эълон беришингизни сўрайман. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, юзимда бурун бўлмаса, мен нима деган одам бўламан? Оёгимнинг жимжилоги эмас-ки, этикка тиксаму хеч ким кўрмайдиям-билмайдиям десам! Ахир мен хар пайшанба статский советник Чехтарёва хузурида бўламан; штаб-офицер Подточина Пелагея Григорьевнанинг хам ёкимтойгина кизи бор, улар хам якин танишим; хўш, айтинг-чи, мен энди нима килай?! Шу таскара ахволда уларга кандай кўриниш бераман?!
Чиновник лабини каттик кимтиб колди, бу унинг чукур ўйга толганини англатарди.
– Йўк, бунака эълонни газетада чикаролмаيمان, – деди у узок сукутдан сўнг.
– Нега? Нега чикаролмайсиз?
– Шундай. Газетанинг обрўйига футур етади. Бунака, дуч келган одам бурним кочиб кетди, деб ёзаверса, унда... Ўзи шусиз хам газетада бўлмагур ва ёлгон мишмишлар чоп этиляпти, деган гаплар юрибди.
– Ахир, бунинг нимаси бўлмагур гап экан? Кечирасиз-у, миш-миш эмаслиги шундоккина кўришиб турибди, чамамда!
– Э, сиз шундай дейсиз-да. Ана, ўтган хафта хам худди шунака иш бўлган эди. Сизга ўхшаб бир чиновник арз билан келди, эълони хисоб-китоб бўйича бир сўму етмиш уч тийинга бахоланди; у кора юнгли пуделнинг кочиб кетгани хакида эди. Бундай олиб каралса, оддий бир эълон, тўгрими? Кейин маълум бўлдики, бари кип-кизил хакорат, яъни ўша пудель, хозир эсимда йўк, кайсидир бир идоранинг газначиси экан.
– Ахир, мен аллакандай пудель хакида эмас, шахсан ўз бурним хакида эълон бермокчиман, демакки, ўзим хакимда деса хам бўлади.
– Йўк, бунака эълонни беролмайман, хеч иложи йўк.
– Ха унда, бурнимдан айрилиб колаверар эканман-да?!
– Бу вазиятда дўхтирга борганингиз маъкул. Айтишларича, ўзингиз хохлаган бурунни ёпиштириб кўйиш хам кўлидан келадиган дўхтирлар бор эмиш. Аммо-лекин-чи, сиз жуда хушчакчак, хазилни кийиб кўядиган одам экансиз.
– Худони ўртага кўйиб онт ичаман! Хамонки, менга ишонмаётган экансиз – очиб кўрсатишим мумкин.
– Овора бўлишга не хожат! – деди чиновник тамакисини хидлаб. – Бирок малол келмаса, – дея кизикувчанлик билан кўшиб кўйди кейин: – бир кўриб кўйсак зиён килмасди...
- Коллеж ассессори юзидан дастрўмолини олди.
– Ё, тавба! – деб юборди чиновник. – Чиндан хам бурун ўрни теп-текис-а, гўёки хозиргина пиширилган куймокка ўхшайди. Сип-силлик!
– Хўш, энди нима дейсиз? Ўзингиз кўриб турибсиз, эълонни чоп этмасангиз бўлмайди. Мен сиздан багоят миннатдор бўлардим, шу бахона сиз билан танишганимдан хам беҳад

хурсандман...

Карангки, майор бир оз лаганбардорлик килиб хам кўрди.

– Чоп этиш-ку кийин иш эмас, – деди чиновник, – аммо бундан сизга бирон наф чикишига кўзим етмаяпти-да. Агар жуда кўнглингиз тўлавермаса, буни бирор ўткиррок каламкашга сўзлаб беринг – табиатнинг ноёб ходисаси сифатида тасвирлаб макола ёзсин, кейин уни ўсмирлар (у бурнини артиб кўйди) ёхуд анчайин синчков, кизикувчан омма эътиборига хавола этиш учун “Северная пчела”да¹² (у яна бир марта тамаки хидлаб олди) чоп эттиринг.

Хафсаласи пир бўлиб, коллеж ассессори бошини куйи солиб олди. Шунда у газетанинг спектакллар хакида ахборот босиладиган пастки кисмида ўзига таниш дилбаргина актрисанинг номини ўкиб колдию юзига табассум югурай деди ва ёнимда кўк когоз пулдан бормикан, деган ўйда дархол кўлини чўнтагига тикди; Ковалёвнинг фикрича, театрга кирганда штаб-офицерлар креслода ўтириши шарт – лекин бурни эсига тушиб, ширин хаёллари бир зумда тумтаракай бўлиб кетди!

Чиновник хам Ковалёвнинг ахволига куйинаётганга ўхшарди. Мулозамат юзасидан унга икки огиз юпанч сўз айтгиси келди:

– Сирасини айтганда, бошингизга шундай галати савдо тушгани кўп ачинарли иш бўпти. Тамаки хидлайсизми? У бош огригини, кайгуни кўтариб ташлайди, хатто бавосилга хам даво дейишади буни.

Чиновник шундай дея тамакидонининг шляпали бир хоним суврати чизилган копкогини гоят абжирлик билан очиб, Ковалёвга тутди.

Ноўрин бу мулозаматдан Ковалёвнинг нақд кони кайнаб кетди.

– Хазил килмокка кандай хаддингиз сигди, хайронман, – деди у жахл билан, – айнан хид билиш аъзом йўклигини билатуриб-а? Жин урсин тамакингизни! Кўрарга кўзим йўк! Бадбўй, хашаки тамакингиз тугул бундан юз чандон аломатига хам тупурган бўлардим! Каттик ранжиган Ковалёв аччик-аччик гапириб газета экспедициясидан чиқди ва тўппа-тўгри канд йигишга муккасидан кетган участка нозири хузурига йўл олди. Нозир уйининг дахлизига – емакхонаси хам шу ер – савдогар дўстлари тортик килган катта-катта каллакандлар¹³ териб кўйилган эди. Айни тобда ошпаз аёл нозирнинг ботфортини¹⁴ ечиш билан овора; шпага ва бошка харбий аслахалари аллакачон жой-жойига илинган, уч яшар ўгли вахимали учбурчак шляпасини ушлаб-ушлаб кўярди; нозир жанжалу талаш-тортишувларга козилик билан ўтган серташвиш кун якунида дунё лаззатларидан бир тотиниш ниятида эди.

У маза килиб керишиб, томок кириб, “Эх, икки соатгина мирикиб ухлаб оламан!” деб турган пайтда Ковалёв кириб келди. Ўз-ўзидан аёнки, Ковалёвнинг ташрифи мутлако бемаврид эди; билмадим, шу келишида у, жуда бўлмаганда, бир неча фунт чой ёки мовут кўтариб келган такдирда хам илтифот билан кутиб олиниши даргумон эди. Нозир санъатнинг барча турлари ва саноатнинг барча махсулотларига зўр рағбат билан қарарди, лекин хар нарсадан когоз пулни афзал кўрарди. “Дунёда бундан яхши яна нима бор экан?! – дерди у одатда. – Ош-нон сўрамаса, кўп жой эгалламаса, чўнтакка сигиб кетаверади, кўлдан тушириб юборсанг – шикаст емайди”.

Нозир Ковалёвни совук қарши олди ва тушлиқдан сўнг тергов ишлари юритилмаслиги, инсоннинг мижози таом тановулидан сўнг жиндак ором олишни такозо этиши (бундан коллеж ассессори участка нозирининг қадим донишмандлар бисотидан бохабар эканини билди), андишали, халол одамнинг бурнини ҳеч ким юлиб олмаслигию дунёда ички-йимининг ягири чикиб кетган, хар хил бўлмагур жойларда санкиб юрадиган

каланги-касанги ма-йорлар урчигандан-урчиб ётгани хакида сўзлади.

Юзингда кўзинг борми хам демади-я! Ковалёв сиркаси сув кўтармайдиган, таъби нозик мардум эканини алохида таъкидлаб ўтмогимиз жоиз. У ўзи хакида айтилган хар кандай нохуш гапни унутиши мумкин-у, ўша гап мансаб ва унвонига тегишли бўлса асло кечирмасди. У хатто театр пьесаларида обер-офицерни хар канча масхаралаш мумкиндир, аммо штаб-офицерларга тил теккизиб бўлмайди деб хисобларди. Нозирнинг кабулидан у шунаканги изза бўлдики, бош тебратди-да, шаънини ерга урмаган холда, кўлларини керганча, “Очик гап, сизнинг бунака хакоратомуз сўзларингиздан кейин мен бир нарса деёлмайман...”, деди ва эшикка йўналди.

У юрди-ю, ер босмади – шу кўйи уйига етиб келди. Окшом кириб колган эди. Шунча елиб-югуришлари бехуда кетганидан квартираси хам кўзига коронги бир зулматдек кўринди. Дахлизга кирибок ягири чикиб кетган чарм диванда ястаниб ётган хизматкори Иванга кўзи тушди: у шифтга караб туфлар ва хар сафар мўлжалга бехато теккизмокда эди. Бу бетамизликни кўриб майорнинг баттар фигони чикди; Иваннинг пешонасига шляпаси билан бир тушириб, “Сен, тўнгизнинг бошка килар ишинг йўкми?!” деб кичкирди. Иван ўрнидан сапчиб туриб, унинг плашини ечмокка тутинди.

Толиккан, дарди дунёси зим-зиё бўлган майор бўлмасига кириб ўзини креслога ташладию чукур-чукур нафас олиб беихтиёр нола кила кетди:

– Эй, Худойим! Эй, Худойим! Нега менга бунча азоб берасан? Бундан кўра кўлсиз ёки оёксиз колсам бўлмасмиди?! Кулогимдан айрилсам хам ёмон-у, унга чидаса бўларди, аммо бурунсиз одамни, куриб кетсин, нима дейиш мумкин? Куш бўлиб куш эмас, фукаро бўлиб фукаро – шунчаки кераксиз матохдек деразадан улоктиру юбор! Уруш ёхуд дуэлдами, ёки ўзим сабаб бирон кор-хол окибатида бурундан ажраган бўлсам хам майли эди, хе йўк-бе йўк, ўз-ўзидан йўколди-колди, бекор-бехуда, сарик чакачалик кадри йўкдек!.. Йўк, бу кандайин гап, – деди у ўзига ўзи, бир дам ўй суриб, – одамнинг бурни хам дабдурустдан йўк бўлиб коларканми?! Хойнахой туш кўряпман ёки хаёл сураётирман, балки сокол олдиргач юзга суртадиган аракни билмай ичиб юборгандирман. Ахмок Иван, дархол йигиштириб кўймаган-да, сув деб симирганман-юборганман.

Маст эмаслигига ишонч хосил килиш учун у ўзини чунонам чимчиладики, огрикка чидаёлмай додлаб юборди. Ковалёв туш кўрмаётгани, бу машмашалар ўнгида содир бўлаётганини англади. Секингина кўзгуга якинлашди, зора бурним ўз ўрнида бўлса деган ўйда кўзларини кисинкираб каради-ю, шу захоти ортига тисарилди:

– Бунча таскара бўлмасам!

Хеч хам акл бовар килмайди. Агар тугмачами, кумуш кошикми, соат ёки шунга ўхшаш бирор нарса йўколса бошка гап эди, лекин бурун гойиб бўлиб турибди! Каёкка гум бўлди? Кандай килиб?.. Устига-устак, ўз уйимда йўколса-я!.. Майор Ковалёв хар томонини ўйлаб кўриб, бу мени куёв килмокчи бўлиб юрган штаб-офицер Подточинанинг килмиши бўлса керак, деган тахминга борди. Айнан шу тахмини хакикатга якинрокка ўхшаяпти. Тўгри, ўзи хам кизнинг кўнглини овлашга иштиёкманд эди-ю, аммо уйланишдан кочиб юрарди. Штаб-офицер уни куёв килиш ниятида эканини дангал айтганида, хали ёшман, яна беш йилларча ишлашим керак, ана ўшанда роппа-роса кирк иккига кираман дея, секингина кизга хушомадларини йигиштириб кўяколди. Шу сабабдан хам штаб-офицер ўч олиш максадида афсунгару жодугар хотинларни ёллаб, унинг “башарасини бузиш”га карор килган, негаки бурун кесиб олинганга ўхшамайди, бунинг иложи хам йўк: хонасига хеч ким кирмаган бўлса, сартарош Иван Яковлевичга

эса чоршанба куни сокол олдирган, ўша кун ва хатто пайшанба куни хам бурни жойида эди – шуниси аник эсида. Боз устига, у огрикни сезган бўларди ва шубхасизки, жароҳат бу қадар тез битиб, ўрни теп-текис, куймоқдек силлик нарсага айланиб қолмасди. У хаёлан режалар туза бошлади: штаб-офицерни расман судга чакиртирсинми ёки олдига бориб жиноятини фош этсинми?! Эшик тиркишидан сизиб кирган шуъла унинг хаёлини бўлиб юборди – дахлизда хизматкори шам ёккан эди. Бир оздан сўнг хона буткул ёришиб кетди: кўлида шамдон билан остонада Иваннинг ўзи хам пайдо бўлди. Ковалёв бу валакисаланг ахволимни кўриб ростакамига эси огиб қолмасин дея дархол дастрўмолини олиб юзини бекитди.

Иван ўз хужрасига кириб кетар-кетмас, дахлизда нотаниш овоз эшитилди:

– Коллеж ассессори Ковалёв шу ерда яшайдими?

– Кираверинг, майор Ковалёв шу ерда, – дея коллеж ассессори иргиб ўрнидан турди-да, эшикни очди.

Хонага қадди-басти расо, чакка-соқоллари унча малла хам, қоп-қора хам эмас, юзи гўштдор, хув ўша, қиссамиз аввалида Исакиевск кўприги адогида учратганимиз полиция чиновниги кириб келди.

– Бурни йўқолган сизмисиз?

– Худди шундай.

– Бурун топилди.

– Ростданми?! – деб қичкириб юборди Ковалёв.

Севинганидан бир он тили қалимага келмай, қаршисидаги қалин лаблари ва гўштдор юзида шамнинг нури липиллаб турган квартал нозирига тикилиб қолди. Сўнг:

– Қандай қилиб? – деб сўради.

– У галати бир вазиятда, сафарга отланиш чогида қўлга олинди. Дилижансга 15 ўтириб, Ригага жўнавормокчи экан. Бошпурти хам бир чиновникнинг номида. Аввалига мен уни расмона жаноб деб ўйлабман. Яхшиям, кўзойнагим ёнимда экан, ўша захоти унинг бурун эканини билдим. Ўзи яқинни равшан кўролмаيمان-да мен; мана, сиз қаршимда турибсиз, фақат юзингизни кўряпман, бироқ бурнингиз, соқолингиз, кўзингизни, кўйинг-чи, афтингиздаги бошқа аъзоларнинг бирортасини фарқлай олмайман. Қайнонам, яъни рафикамнинг онаси хам ҳеч балони кўрмайди.

Ковалёв ўзида йўқ, ховликиб:

– Қани у? Қаерда, айтинг, хозирок учиб бораман, – деди.

– Ҳеч ташвишланманг, уни олиб келдим. Биласизми, бу ишда Вознесенск кўчасидаги қаллоб сартарошнинг кўли бор экан, мана энди ўзи полиция маҳкамасида ўтирибди. Мен уни азалдан бери пиёниста, ўгри деб шубха қилиб юрардим, бундан уч кун аввал расталарнинг биридан бир кути тугмани ўмариб кетибди. Мана бурнингиз, соғ-саломат холда келтирдик сизга!

Қвартал нозир чўнтагига қўл солиб қогозга ўралган бурунни олди.

– Худди шу! – дея қичкириб юборди Ковалёв. – Ҳа, менинг бурним шу! Келинг, бугун сизни меҳмон қилай.

– Таклифингиздан бошим кўкка етди, бироқ бунинг сира иложи йўқ. Мен хозир бу ердан чиқибок жиннихонага боришим керак... Биласиз, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи осмонда... Ўзимиз жўжабирдек жонмиз, қайнонам, яъни рафикамнинг онаси хам биз билан яшайди. Тўнгич ўғлимиздан айникса умидимиз катта-ю... жуда қаллали бола-да, аммо шу, таълим-тарбиясига қўлимиз қалталиқ қилиб турибди...

Ковалёв шамани дарров фаҳмлади ва стол тортмасидан битта қизил ўнталик олиб

нозирнинг кўлига кистирди; у астойдил таъзим килганча чикиб кетди. Шу захотиёк унинг араваси билан хиёбонни пайхон килган бир бефаросат мужикни бўралаб сўкаётгани эшитилди.

Квартал нозири кетгандан сўнг коллеж ассессори нима киларини билмай каловланиб колди, бир фурсат ўтгачгина аранг ўзига келди – кўриш ва хис этиш кобилияти тикланди. Кутилмаган кувонч уни ана шундай қарахт ахволга солиб кўйган эди. У излай-излай топилган арзандаси – бурнини эҳтиётлик билан икки кафтига олди, синчковлик билан кўздан кечира бошлади.

– Ха, шу! Ўзгинамнинг бурним! – дерди нукул майор Ковалёв. – Ана, кеча чап томонидан чиккан гўддасигача турибди.

Майор хурсандлигидан бор овозда хохлаб юборишига сал колди.

Бирок бу норасо дунёда абадий нима бор?! Мана шу кувонч ҳам сал ўтиб хира тортади-да, кейин-кейин йўқола бориб, ниҳоят, ўзингиз сезмаган холда одатий кайфиятингизга айланади-колади – худди сувга тош отганда хосил бўлган халкачалар секин-аста силлик сатхга куйишиб кетгандек.

Ковалёв мулоҳаза кила-кила бирдан сергак тортди: бу хали иш битди дегани эмас, бурун топилишга топилди-я, бироқ уни ўрнига ёпиштириб кўйиш ҳам керак-ку, ахир! – Ёпишмаса-чи, унда нима бўлади? – деди ўзига ўзи.

Миясида ярк этган бу саволдан майорнинг юраги шув этиб кетди.

Жонхололда стол сари отилди, бурнини кийшик ўрнатиб кўймаслик учун тошойнани ўзига яқинроқ суриб олди. Диккатини бир ерга жамлаб, эҳтиёткорлик билан уни жойига кўндирмокчи бўлди. Ув, шўрим курсин! Жойига тушмаяпти-ку!.. Кейин бурунни огзига тутиб дами билан бир оз илитди-да, яна эски жойи – икки ёногининг ўртасига ёпиштиришга уринди, аммо бурун ёпишмади.

– Кани! Кани, бўлакол! Ёпишсанг-чи энди, касофат! – дерди у бўғилиб. Аммо бурун худди ёғочдан ясалганга ўхшарди, бехос кўлидан тушириб юборган эди, у пўкак тикин мисол столга “так” этиб тушди. Майорнинг афти бужмайиб кетди. – Энди нима бўлади? Нахотки!.. – деди у баттар саросимада қолиб.

Бурунни ўрнаштиришга хар канча ҳаракат килмасин, уринишларидан бир иш чикмади. У Иванни чакириб, бинонинг юқори каватидаги энг хашамдор квартирада яшовчи докторни айтиб келишни буюрди. Доктор бағоят савлатли, ўктам киши эди, катрондек тимкора чаккасоколлари ўзига роса ярашиб турар, мудом арчилган тухумдек озода юрар, юзлари тиник, соғлом, эрталаб янги узилган олма ейишни канда этмас, айникса, тиш тозалигига катъий риоя қилар, хар тонг чорак соатлаб огзини чайар, тишларини беш хил чўтка билан тозалар эди. Доктор шу захотиёк келди. Бу кўргилик қачон юз берганини сўрагач, у бурун ўрнини шунақаям чертдики, майор жонхалпида бошини оркага ташлаган бўлса керак, энсаси билан деворга урилди. Доктор буниси хали холва, деди ва девордан берирок туришни сўради; аввал бошини ўнгга буриб, бурун ўрнини пайпаслаб кўрди-да, “Хм!” деб кўйди. Кейин бошини чап томонга буришни буюрди ва тагин “Хм!” деб, охирида яна бир чертган эди, тишларини кўрмокчи бўлганингизда от кандай силтаниб-сапчиса, майор ана шундай калласини силтаб-сапчиди. Доктор шу тажрибани ўтказгач, бош чайкаб кўйди:

– Йўк, иложи йўк. Яхшиси, сиз шундай юриверинг, чунки бундан баттар бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Албатта, бурунни жойига ўрнатса бўлади, мен уни хозирок ўрнатиб кўярдим-у, лекин ишонтириб айтаманки, ўзингизга ёмон бўлади.

– Каранг-а! Нима, бурунсиз юр демокчимисиз? – деди Ковалёв тутокиб. – Хозирги

ахволимдан баттари бўлмаса керак. Жин урсин, бу не кулфат-а?! Шу ажуваи тараккос башарам билан одамларнинг кўзига кандай кўринаман? Обрули-обрули танишларим бор ахир! Мана, бугун ҳам иккита хонадонга зиёфатга боришим керак. Мени кўпчилик билади: статский советник Чехтарёва, штаб-офицер Подточина... ха, айтгандек, унинг бу килмишидан сўнг ўртамиздаги муносабатга чек кўяман. Энди у билан факат полиция оркали гаплашаман. Менга рахмингиз келсин, доктор, – дея илтижо кила кетди Ковалёв, – бирон чораси бордир ахир? Бир бало килиб ўрнатиб кўйинг, жуда рисоладагидек бўлмаса ҳам, шунчаки осилиб турсин, майли, калтис вазиятларда уни ўзим кўлим билан ушлаб тураман. Бирон бир эҳтиётсиз харакат килиб зиён етказиб кўймасман – мен ракс тушмайман-ку, ахир. Кўнглингиз тўк бўлаверсин, ташрифингиз учун миннатдорлик ҳам хамён кўтарганча бўлади.

– Ишонсангиз, – деди доктор баланд ҳам, паст ҳам эмас, лекин ёкимли, таъсирли овозда, – мен беморимни ҳеч қачон тама илинжида даволамайман. Тамагирлик менинг инсоний акидаларим ва врачлик шаънимга мутлако зид. Тўгри, хизматга ҳақ оламан, бунинг бирдан-бир сабаби – рад этиб мижозларимни ранжитиб кўймаслик.

Бурнингизни-ку жойига келтириб кўярдим, аммо гапимга ишонмасангиз виждонимни кафил килай, киёфангиз бундан-да таскарарок бўлиб қолади. Начора, энди пешонада борини кўраверасиз-да. Тез-тез совук сувда ювиб туринг, ишончингиз комил бўлсинким, бурнингиз борлигида кандай бўлсангиз, бурунсиз ҳам худди шундай соппа-сог юраверасиз. Бурунни эса спиртли банкада саклаганингиз маъкул ёки, яхшиси, спирт ўрнига икки ошкошиқ ўткир арак ва иситилган сирка куйинг – ана шунда бурун эвазига мўмайгина маблағли бўлишингиз ҳам мумкин. Агар киммат сўрамасангиз уни ўзимок сотиб оламан.

– Йўк, йўк! Сотиш ниятим йўк! – дея кичкириб юборди Ковалёв алаmidан. – Ундан кўра йўк бўлиб кетсин!

– Маъзур тутасиз! – деди доктор тавозе билан. – Мушкулингизни осон килиш ниятида эдим, холос... Начора! Харкалай, канча уринганимни ўзингиз кўрдингиз.

Шу гапларни айтиб доктор каддини гоз тутганча хонани тарк этди. Ковалёв унинг юзига ҳам бокмади, қарахт ахволда эмасми, факат қора фракнинг енгидан чиқиб турган оппоқ кўйлаги манжети кўз олдидан лип этиб ўтди, холос.

Эртаси куниёқ у махкамага шикоятнома битишдан аввал штаб-офицер Подточинага, каминага тегишли тана аъзосини уриш-жанжалсиз ўз холига кайтариб берсангиз, деган мазмунда хат ёзишга қарор қилди.

“Мухтарама

Александра Григорьевна хоним!

Сиз томонингиздан килинган галати ишларга ҳеч тушунолмаёпман. Хотиржам бўлингким, бу йўл билан бирор нимага эришолмайсиз, яъни мени кизингизга уйланишга мажбур этолмайсиз. Шунга амин бўлингким, бурним билан боглик воқеа менга кундек аён, бунга бошқа биров эмас, айнан сиз сабабчи эканингизни ҳам аниқ биламан.

Бурнимнинг тўсатдан гойиб бўлиб қолиши, қочиб кетишию хар хил тусларга кириши, дейлик, аввалига чиновник киёфасида савлат тўкиб юриши ва ниҳоят яна ўз холига кайтиши – сизнинг сехру жодуларингиз оқибати ёхуд сизга ўхшаб мана шунақа “олижаноб машгулотлар” билан шугулланувчи кимсаларнинг кирдикоридир. Мен ўз номимдан сизни оғохлантириб кўйишни бурчим деб биламан. Башарти, юкорида айтиб ўтганимдек, бурним бугуноқ ўз ўрнига қайтмас экан, у холда мен тегишли қонун химояси ва хомийлигига таянишга мажбур бўламан.

Шоён хурмат ила таъзимда
Камина кулингиз Платон Ковалёв”.

“Мухтарам жаноб

Платон Кузьмич!

Мактубингиз мени гоят хайратга солди. Эътироф этмогим лозим, сиздан бунака нохак гина-кудуратларни асло кутмаган эдим. Олдиндан шуни маълум киламанким, сиз тилга олган чиновникни ясама киёфада хам, ўз киёфасида хам уйимда кабул килмаганман. Тўгри, хонадонимга Филипп Иванович Потанчиков келиб туради. Гарчи у кизимнинг кўлини сўраш илинжида юрган бўлса-да, бу боадаб, ўта маданиятли инсонни ҳеч қачон умидвор килган эмасман. Сиз яна аллакандай бурун хакида сўз юритибсиз. Агар бу гапларингиз билан мен икки кўлимни бурнимга тикиб коламан, деган хаёлга борган, яъни расман рад жавобини оламан, дея ташвишланаётган бўлсангиз, буни сизнинг ўзингиздан эшитиш мени жуда таажжубга кўйди. Негаки, мен мутлако бошқача фикрдаман. Бордию эндиликда сиз кизим билан конуний унашиш ниятида бўлсангиз, бу истагингизни мен хозирнинг ўзидаёқ маъқуллашга тайёрман. Зеро, бу менинг энг катта тилагим. Ана шундай умид билан – мудом хизматингизга тайёр Александра Подточина”.

“Йўқ, – деди Ковалёв хатни ўқиб чиккач. – Унинг бу ишга дахли йўқ. Кўриниб турибди! Жиноятда айбланаётган одам бундай хат ёзмайди. – Коллеж ассессори Кавказ вилоятида бир неча бор терговга жалб этилгани боис бундай ишлардан дурустгина хабардор эди. – Қандай килиб, қай йўсин бу савдо бошимга тушди?! Буниси энди ёлғиз худога аён!” деди у ниҳоят такдирга тан бергандек.

Бу ёгини сўрасангиз, мазкур гаройиб ходисага доир мишмишлар, табиийки, ошириб-тоширилиб бутун пойтахтга таркаб кетди. Ўша кезлар барча ховликма кишилар айнан гайриоддий воқеаларга ўч бўлиб қолган эди. Бундан сал аввал факат магнетизмга оид тажрибалар жамоатнинг оғзида эди. Боз устига, Конюшен кўчасидан чиккан ракс тушувчи стуллар хангомаси хам хали эскирмаган эди, шунинг учун ҳамма тез орада коллеж ассессори Ковалёвнинг бурни Нева проспектида роппа-роса уч соат сайр қилганмиш, дея гап бошлагани ҳеч ажабланарли эмас. Текин томошабинлар оқими кун сайин ортиб борарди. Кимдир ўша бурун Юнкер дўқонида16 экан, дея гап таркатибди. Юнкер олдига тумонат одам йигилиб, шунақаям ур-йикит бўптики, бу жанжал-суронни полиция аралашиб базўр тинчитибди. Театрга кираверишда кандолат-пандолат сотиб ўтирадиган, кўринишидан туппа-тузук, чаккасоқоли бир чайковчи ёғочдан бежирим, пишиқкина курсилар ясаб, ишибозларни таклиф этибди – киши бошига саксон тийиндан олиб курси оша томоша уюштирибди. Бир фахрий полковник атайлаб уйдан барвакт чиқиб, бир амаллаб оломонни ёриб ўтибди, бироқ дўқон ойнасидан бурунни эмас, оддий жун фуфайкаю пайпогини тузатаётган киз ва дарахт ортидан унга мўралаб қараётган қайтарма нимчали, бир тутамгина соқолчаси бор олифта йигит тасвирланган литографик сувратни кўрибди, холос; суврат бу ерда осиглик турганига ўн йилдан ошган эди. Полковник туртина-суртина бир четга чиқиб олгач, “Шунака ёлгон ва тўмтоқ мишмишлар билан одамларни майна қилишнинг нима кераги бор-а?” деб роса даргазаб бўлибди.

Кейин – майор Ковалёвнинг бурни Нева проспектида эмас, қачондан бери Таврия богида сайр қилиб юрганмиш, у Хисрав Мирза17 яшаган вақтлардан буён ўша ерда эмиш, шахзода хам табиатнинг бу гаройиб ўйинидан гоят хайратланибди, деган гаплар тарқалди. Жаррохлик академиясининг баъзи талабалари ўша ёкка йўл олибди. Таникли

ва нуфузли бир хоним эса бог назоратчиси номига мактуб битиб, табиатнинг бу ноёб ходисасини болаларга кўрсатишни, агар иложи бўлса, ибратли ва насихатомуз изоҳлар билан ўсмирлар ўртасида тушунтиришлар олиб борилишини сўрабди.

Бўлиб ўтмиш ушбу воқеалар барча киборларга, айникса, хонимлар димогини чоғ қилишни хуш кўрадиган, тантанали қабул маросимларини қанда этмайдиган олифталарга жуда кўл келди – захирадаги кизикарли латифаларининг тағи кўриниб қолган эди-да. Бир неча нуфузли, холис ниятли кишилар эса бу қолдан ўта норози эди. Бир жаноб хозирги маърифатли асримизда қандай қилиб мана шунақа куракда турмайдиган уйдирмалар тарқалиши мумкин, ҳеч тушунолмаيمان, нега бунга ҳукумат бепарво қараётир, дея жигибийрон бўлиб гапирди. Бу жаноб, афтидан, ҳукуматни ҳамма нарсага, хатто эр-хотин ўртасидаги қундалиқ можарога ҳам аралаштиришга уринадиганлар хилидан бўлса керак. Шундан кейин... шу ерга етганда яна воқеани буткул туман қулгайди ва у ёғига нима бўлгани мутлақо маълум эмас.

III

Дунёда ўта бемаъни ишлар ҳам кўп-да. Баъзида ҳақиқатга яқин ҳам йўламайдиган воқеаларга гувоҳ бўламиз. Статский советник мансабида ҳар ерда сайр қилиб юрган ва шаҳарда шунча шов-шув чиқарган ўша бурун гўё ҳеч нима кўрмагандек, қутилмаганда ўз жойи, яъни майор Ковалёвнинг икки ёноғи ўртасида пайдо бўлди-қолди. Бу воқеа апрель ойининг еттинчи куни рўй берди. Ковалёв уйғониб, бехосдан кўзгуга қараса – бурни жойида! Шоша-пиша ушлаб кўрди – ўзининг бурни! “Ие, ие!” дея қийқириб юборди у ва қувончи ичига сигмай хонани оёқланг гир айланиб югурмокчи эди, кўкқисдан қириб қолган Иван халакит берди. Майор унга ювингани сув қелтир, деб буюрди ва юз-қўлини чайаркан, яна бир марта ойнага қаради: бурни ўз ўрнида! Сочикка артинарган, тагин қаради: бурун ўша-ўша!

– Иван, қара-чи, бурнимга гўдда чиққанга ўхшайди, – деди у ва “Агар Иван: э, жаноб, гўдда қаёқда, буруннинг ўзи йўқ-ку, деса худо урди деявер!” деган гап ўтди ҳаёлидан. Бирок Иван:

– Йўғ-э, ҳеч қандай гўдда-пўдда чиқмаган бурнингизга! – деди.

“Ана-а, зўр-ку!” деди ўзича майор ич-ичидан севиниб ва бармоқларини қирсиллатиб қўйди. Шу пайт қўлга тушаёзган ўгри мушукдек кўрка-писа сартарош Иван Яковлевич эшиқдан мўралади.

– Аввал менга шуни айт-чи, қўлингни ювганмисан? – деб қичқирди Ковалёв унга кўзи тушибок.

– Ҳа, қўлим тоза.

– Алдама!

– Худо ҳақки, жаноб, топ-тоза.

– Бўпти, бўпти, кўрамиз хали...

Ковалёв курсига жойлашди. Иван Яковлевич унинг елкасига сочик ёпиб, чўтқаси билан бир лахзада соқолию ёнокларига ноёб, хушбўй совун кўпигини чаплаб ташлади.

“Буни кўринг-а! – деди ўзига ўзи Иван Яковлевич унинг бурнига қараб, кейин бошини эгиб, ён томондан бокди. – Бор, йўқол-э!”, деб қўйди-да, яна бурунга тикилиб қолди.

Кейин иложи борича аяб-авайлаб, унинг учидан ушламок бўлиб бармоқ чоғлади – Иван Яковлевичнинг соқол олиш усули шунақа эди.

– Эй, эй, кўзингга қара! – деб қичқирди Ковалёв.

Сартарош тараддуд аралаш довдираб колди, уни шундай хаяжон босдики, бунакаси сира бўлмаган эди. Нихоят, эхтиёткорлик билан устарасини гирд айлантириб, мижозининг иякларини аста киртишлай бошлади. Гарчи хид билиш аъзосини ушламасдан сокол олиш хийла нокулай бўлса-да, дагал бармоқларини бет ва пастки жакка тираб, бир амаллаб ишини тугатди.

Сокол олдириб бўлган захоти Ковалёв кийиниб, извошга ўтирдию тўппа-тўгри кандолатхонага жўнади. Дўкон эшигидан хатлабок, “Болакай, бир финжон шоколад келтир!” деб буюрди, ўзи эса тошойнага югурди; бурни ўз жойида! Сўнгра огзининг таноби кочиб оркасига ўгирилди ва бировининг бурни нимча тугмасидек келадиган икки харбийга кўзини кисиброк масхараомуз караб кўйди. Дўкондан чиккач, вице-губернатор лавозимига, бордию омад чопмаса, экзекутор мансабига эришаман деб обдон остонасини чангитгани департамент девонхонасига йўл олди. Кабулхонадан ўтиб бораркан, ойнага кўз ташлаб олди: бурун жойида турибди! Бу ерда у бошка бир коллеж ассессори, яъни ўзига ўхшаган майорни зиёрат килмокчи эди; хамкасабаси ўта хазилкаш, бировининг устидан кулишга суяги йўк бўлиб, унинг илмокли гапларига Ковалёв “Эй, кўйсанг-чи, сени биламан-ку, захарсан!” деб кутуларди. Йўлакда у ўзича, “Агар шу майорки мени кўриб кулгидан тарс ёрилмаса, демак, ҳеч бир хавотирга ўрин колмайди”, деб ўйлади. Коллеж ассессори эса кулмокни хаёлига хам келтирмади. “Жин урсин, ишлар беш!” деди Ковалёв ўзига ўзи. Кайтаётиб у кўчада штаб-офицер Подточина билан кизини учратиб колди. Улар Ковалёв билан иликкина, ўзаро таъзим адо этиб салом-алик килишди. Бундан чикди, кўриниши биппа-бинойи, юзида ҳеч бир кемтиклик йўк! Ковалёв улар билан узок сўзлашди, атайин тамакидонини очиб, бурнининг хар иккала тешигига босиб-босиб хидлади. “Хе, товукмиялар-эй, караб турларинг хали! Кизингга уйланиб бўпман! Шунчаки раг amour18 уйланадиган ахмогинг йўк – хомхаёл бўлма!” дерди ичида. Ўшандан бери майор Ковалёв, гўё ҳеч нима кўрмагандек, Нева проспектида, театру бошка жойларда бемалол сайр килиб юради. Бурни хам тўсатдан гойиб бўлиб колганидан беҳабар, ҳеч гап бўлмагандек, мана, жойгинасида каккайиб турибди! Кейинчалик хам майор Ковалёвнинг мудом хазил-мутойиба килиб хушвакт юрганини, хушсуврат хонимларнинг деярли барчасини зимдан кузатишини ва хатто бир гал Гости-ный дворга19 кириб, кандайдир раста олдидида тўхтагани, нима учун экани номаълум-у, орден такиладиган тасма сотиб олганини кўрганлар бор, вахоланки, у ҳеч кандай орден сохиби эмас эди.

Бепоён мамлакатимизнинг шимолий пойтахтида ана шундай воқеа содир бўлди! Бирок энди, хаммасини мулоҳаза килиб кўргачгина бу хангоманинг хакикатдан йирок жихатлари кўп эканини англаб турибмиз. Ковалёв йўколган бурун хакида газетада эълон бермок кулгили иш эканини тушунмаганидек, буруннинг башарадан узилиб чикишию, кам эмас, кўп эмас, статский советник киёфасида хар жойда пайдо бўлиши хам акл бовар килмас ходиса эканини гапириб ўтирмокка хожат бўлмаса керак. Камина эълон чоп эттириш жуда кимматга тушажагини назарда тутаётганим йўк, албатта, бу гирт майдакашлик бўлардики, мен асло манфаатпарастлар сирасига кирадиган кимса эмасман. Лекин барибир нимасидир нокулай, нодуруст-да, шундок эмасми? Яна ўша гап – мардумнинг юзидаги бурун кай тарика эндигина печдан чиккан кайнок нон ичида пайдо бўлиб колгану Иван Яковлевичнинг ўзи кай тарика?.. Йўк, мен бунини хазм килолмайман, мутлако! Аммо кизик, ёзувчилар шунака сюжетларни кандай каламга олар экан-а? Тан оламан, бунисига энди сира аклим етмайди, ха, шундай... вассалом. Биринчидан, бунинг халкка ҳеч кераги йўк; иккинчидан... иккинчидан хам бефойда.

Билмайман, билмайман...

Лекин барибир ундок хам, бундок хам, бошкача хам бўлиши мумкин... Бундай олиб караганда, шунга ўхшаш бемаъни, куюшконга сигмайдиган воқеалар йўқ деб ким кафолат бера олади?.. Нафсиламри, яхширок ўйлаб кўрилса, бу хил хангомаларнинг замирида озми-кўпми ҳақиқат борга ўхшайди. Ким нима деса десин, дунёда шу каби ходисалар хам бўлиб туради – онда-сонда бўлса хам.

Фарход ФАЙЗИЙ таржимаси

"Тафаккур" журналидан олинди

ТАХРИРИЯТДАН

Улуг рус ёзувчиси Н. В. Гоголнинг “Бурун” киссаси (1836) ҳозирги адабий танқидчилик “фусункор реализм” дея атаётган ижодий усулга мансуб асардир. Унда каламга олинган воқеалар, таажжубки, бир карашда батамом ҳаётий, бир карашда эса мутлақо ҳаёлий туюлади. Ҳар қандай юз-хотирни четга суриб айтганда, мазкур кисса фабулавий жиҳатдан чандон фазилатли хам эмасдек: Ковалёв деган ўртачарок бир амалдорнинг юзидан бурни аввал қандай сирли гойиб бўлса, баъзи саргузаштлар оша кейин яна худди шундай сирли тарзда пайдо бўлиб қолади. Анчайин латифабоб бир гап, тўғри эмасми? Унда нега кисса салкам икки юз йилдан буён китобхонни ҳаяжонга солиб келмоқда? Бунга сабаб – асарда турли табақа кишиларининг феъл-атвори бемисланиклик ва теранлик билан тасвирлаб берилганида. Фақат шугина эмас, бундай киёфаларни бугун хам ҳар жойдан исталганча топиш мумкинлигида! Агар сўзимизни лофга йўйсангиз, майли, киссани ўқинг-да, теваракка назар солинг – шундок ёнгинангизда уларни кўришингиз турган гап. Дарвоқе, Гоголгагина хос бўлган ҳалим истехзо бу киёфаларни, бадиий-эстетик маънода, янаям жозибадор этиб юборган. Машҳур “Ўлик жонлар” муаллифининг деярли барча асосий асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Аммо “Бурун” киссасидек бадиий дурдона мутаржимлар эътиборидан четда қолиб келаётгани, ростки, бизни таажжубга солар эди. Мана, ниҳоят, таржимон Фарход Файзийнинг журъати ва захмати билан асарнинг ўзбекча таржимаси дунё юзини кўрибди. Уни сиз, мухтарам журналхонлар эътиборига ҳавола этар эканмиз, таржимада айрим хирарок ўринлар учраса маъзур тутарсиз деб ишонамиз. Зеро, Гоголь каби даҳо санъаткорни ўзбекчада аслиятга монанд юксак пардада сўзлата олиш осон иш эмас.

Изохлар

1 Коллеж асессори – Пётр Биринчининг ташаббуси билан таъсис этилган “Унвонлар жадвали”га кўра, саккизинчи класс чиновниги ҳарбий майорга тенглаштирилган. Кавказда маъмурлар мансабини бемалол суиистеъмол қилганидан бу унвонга эришиш осон бўлган.

2 Пунш – ром виносига сув, шакар, мева шарбати хамда хушбўй зираворлар кўшиб-қайнатиб тайёрланадиган спиртли ичимлик

3 Манишка – кўйлакнинг қадама кўкрак қисми

4 Бостон – карта ўйинининг бир тури

- 5 Экзекутор – Чор Русиясида идора ва муассасаларнинг хўжалик ишларини бошқарувчи амалдор
- 6 Статский советник – Чор Русиясида 5-даражали мартаба
- 7 Вицмундир – чиновникларнинг махсус кийими
- 8 Колоннада – катор устунлар
- 9 Ливрея – малайлар киядиган заррин укали либос
- 10 Надворный советник – Чор Русиясида 7-даражали мартаба
- 11 Ахлок бошқармаси (Управа благочиния) – айрим суд ишларини ҳам тасарруфига олган полиция бошқармаси
- 12 “Северная пчела” – 1838 йилдан 1866 йилгача Русияда нашр этилган сиёсий-адабий газета
- 13 Биз билган каллаканддан хажман анча катта.
- 14 Ботфорт – кўнжи тиззадан баланд этик
- 15 Дилижанс – пассажир ва почта ташийдиган арава
- 16 Юнкер дўкони – Нева проспекти ва Большой Морской кўчалари муъолишидаги модалар дўкони
- 17 Хисрав Мирза – форс шахзодаси; 1829 йилда Петербургдаги Эрон элчихонасини бошқарган.
- 18 Par amour – севги туфайли (фр.)
- 19 Гостиный двор – Петербургдаги йирик савдо маркази